
Аҳоли мурожаатлари ижобий ҳал этилмоқда.

Аввал хабар берганимиздек сектор раҳбарлари бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан ҳудудларда ўтказилаётган ҳонадонбай ўрганишлар давомида аҳолини қийнаб келаётган муаммолар ижобий ҳал этилмоқда.

Қува тумани ҳокими, 1-сектор раҳбари ҳудудидаги Юзия маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилаётган ўрганишлар давомида аҳоли томонидан ҳудуддаги мавжуд трансформаторнинг носозлиги, шу сабабли электр таъминотидаги узулишлар юзасидан қилган мурожаатлари туман электр тармоқлари корхонаси томонидан ижобий ҳал этилди.

Электр тармоқлари корхонасининг мутахассис ходимлари мавжуд трансформаторни таъмирлашди ва мавжуд камчиликни тезкорлик билан бартараф этишди.

Ҳудудларда ўрганиш ишлари давом этмоқда.

2023-03-16 15:36:25